

“Андижон 3 пахта тозалаш заводи” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача БХМС асосида тайёрланган молиявий хисоботларини аудитнинг миллий аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра ижобий фикр билдирилган

Аудитор хулосаси

30.04.2021 йил.

Тошкент шаҳри

Аудиторлик ташкилоти номи:

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR AUDIT INFORM» аудиторлик ташкилоти. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йилнинг 15 июлда "371"- тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Лицензия: №00814, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 12 апрелда берилган.

Жамият ҳисоб рақами - 20 208 000 204 708 021 001 "DABR-BANK" ХЕАТБ Чилонзор бўлими МФО- 01046 да фаолият кўрсатади.

Манзили: Тошкент шаҳар Кушбеги кўчаси 18-уй.

Бизлар Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR AUDIT INFORM» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор Ф.К.Назиркулов аудиторлик малака сертификати № 05553 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2018 йил 22 июлда берилган.

“Андижон 3 пахта тозалаш заводи” акциядорлик жамиятининг Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалари тўғрисидаги ва пул оқимлари тўғрисидаги хисоботлардан иборат 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий хисоботларининг ишончлилигини аниқлаш мақсадида аудиторлик стандартларининг ҳаракатдаги стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинган молиявий хисоботларни тайёрлаш, дастлабки ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувида асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.